

СУД ТИЗИМИДА КОРРУПЦИЯГА
ҚАРШИ КУРАШИШДА ДАВЛАТ
СИЁСАТИНИНГ ДОЛЗАРБ
МАСАЛАЛАРИ ВА ХОРИЖИЙ
ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ

2025 йил 5 март куни Президент Шавкат Мирзиёев раислигида Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгашнинг коррупциянинг олдини олиш бўйича ишлар натижадорлиги ва келгусидаги устувор вазифаларга бағишланган кенгайтирилган йиғилишида билдирган фикрлари:

- ▶ Коррупция шундай ёвуз иллатки, у халқнинг давлатга, Конституция ва қонунларга ишончига путур етказди, барқарор ривожланиш ва хавфсизлик учун жиддий таҳдидга айланади.
- ▶ Коррупцияни олдини олиш – давлат хизматига профессионал ва фидойи кадрларни танлаш ҳамда уларни “ҳалоллик вакцинаси” билан эмлашдан бошланади.
- ▶ Суд тизимида коррупциявий хавф-хатарларни олдини олиш, одил судлов сифати ва самарадорлигини ошириш доимо диққат марказида бўлиши зарур.
- ▶ Айрим идоралар томонидан судга таъсир ўтказишга уринишлар ҳали-ҳануз давом этаяпти. Барча раҳбарларни қатъий огоҳлантираман. Судлар фаолиятига ҳар қандай аралашиш одил судловга соя солиш деб баҳоланади. Бу бўйича сўров ҳам, жавобгарлик ҳам қаттиқ бўлади.

Ўзбекистоннинг халқаро ва миллий рейтинглардаги ўрни

Коррупцияни қабул қилиш индекси

2022 йил – 31 балл – 126-ўрин

2023 йил – 33 балл – 121-ўрин

2024 йил – 32 балл – 121-ўрин

Бунда:

«0» — коррупция даражаси
ўта юқори,
«100» — ўта паст)

Ҳуқуқ устуворлиги индекси

2022 йил — **78-ўрин** (0,5 балл)
(140 та давлат)

2023 йил — **78-ўрин** (0,5 балл)
(142 та давлат)

2024 йил — **83-ўрин** (0,49 балл)
(-5 поғона)

Давлат органларининг очиқлиги индекси

Судьялар олий кенгаши – 50,5
балл

Олий суд – 50,1 балл

Давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев коррупцияга қарши курашиш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири эканлигига алоҳида урғу бериб, 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида “Коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эриша олмаймиз. Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз керак”, – дея таъкидлаган эди.



КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ СОҲАСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИК

- ▶ “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун (2017 йил);
- ▶ “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонун (2024 йил);
- ▶ “Давлат бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Қонун;
- ▶ “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонун;
- ▶ “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонун;
- ▶ “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонун;
- ▶ “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Қонун;
- ▶ “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонун;
- ▶ “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонун ва бошқалар.

1. Коррупцияни белгиловчи омиллар ва унинг келиб чиқиш сабаблари

Коррупцияга оид
ҳуқуқбузарлик - коррупция
аломатларига эга бўлган,
содир этилганлиги учун
қонун ҳужжатларида
жавобгарлик назарда
тутилган қилмиш
тушунилади




“Коррупция” атамаси “бузиш,
тизимни издан чиқариш, пора
эвазига оғдириш” деган
маънони англатадиган
лотинча “corruptio” сўзидан
келиб чиққан

Коррупция — шахсинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини
ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида
қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф
равишда тақдим этиши тушунилади

Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари

Давлат ва жамият ҳаётининг
барча соҳаларида
коррупциянинг олдини олишга
доир чора тадбирларни амалга
ошириш

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни
ўз вақтида аниқлаш, уларга чек
қўйиш, уларнинг оқибатларини,
уларга имкон берувчи сабаблар ва
шарт-шароитларни бартараф этиш,
коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни
содир этганлик учун жавобгарликнинг
муқаррарлиги принципини
таъминлаш



Аҳолининг ҳуқуқий онги
ва ҳуқуқий маданиятини
юксалтириш, жамиятда
коррупцияга нисбатан
муросасиз муносабатни
шакллантириш

Коррупцияга қарши курашишнинг асосий принциплари

- ▶ қонунийлик;
- ▶ фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;
- ▶ очиқлик ва шаффофлик;
- ▶ тизимлилик;
- ▶ давлат ва фуқаролик жамиятининг ҳамкорлиги;
- ▶ коррупциянинг олдини олишга доир чоратadbирлар устуворлиги;
- ▶ жавобгарликнинг муқаррарлиги.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органлари қуйидагилардан иборат:

- 1) Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги;
- 2) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси;
- 3) Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати;
- 4) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги;
- 5) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги;
- 6) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни қонунчиликка мувофиқ бошқа давлат органлари ҳам амалга оширади.

Коррупцияга қарши курашишга оид Давлат дастурлари

- ▶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги ПҚ-2752-сон қарори билан тасдиқланган **2017-2018 йилларга** мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича ДАВЛАТ ДАСТУРИ
- ▶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сон Фармони билан тасдиқланган **2019-2020 йилларда** коррупцияга қарши курашиш ДАВЛАТ ДАСТУРИ
- ▶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги ПФ-6257-сон Фармони билан тасдиқланган Коррупцияга қарши курашиш бўйича **2021-2022 йилларга** мўлжалланган ДАВЛАТ ДАСТУРИ
- ▶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 27 ноябрдаги ПФ-200-сон Фармони билан тасдиқланган Коррупцияга қарши курашиш бўйича **2023-2024 йилларга** мўлжалланган ДАВЛАТ ДАСТУРИ

Превентив чоралар




Замонавий давлат бошқарувини жорий этиш

Канада
Франция



Қонун устуворлигини таъминлаш

ИХТТ
давлатлари



Шаффофлик ва ҳисобдорликни таъминлаш

Япония
Корея
Австралия



Коррупцияга қарши маданиятни
шакллантириш

Малайзия
Гонконг



Меритократия тизимини, иш шароитини,
иқтисодий, ижтимоий ҳимояни жорий этиш

Сингапур
Швеция
АҚШ



Превентив чоралар



Аҳолининг ҳуқуқий онгини юксалтириш

ИХТТ
давлатлари



Коррупциявий хавф-хатарларни
аниқлаш ва уларни бартараф этиш

Голландия
Исроил



Коррупцияга қарши крашишга
диний қадриятларни жалб этиш

Саудия Арабистони,
Эрон, Қатар,
Малайзия



Даромадлар ва харажатларни декларациялаш
tizimini жорий этиш, ички, ташқи аудит
tizimlarini мустаҳкамлаш

ИХТТ
давлатлари



Давлат хизматларини автоматлашириш,
хизматларни рақамлаштириш

Корея,
Канада
Грузия



Суд тизимида коррупцияни олдини олиш чоралари:

- ▶ зарур ҳуқуқий асосларни яратиш (шу жумладан судьялар одоби қоидаларини қабул қилиш)
- ▶ юқори маънавиятли ва ҳалол судьяларни лавозимга тайинлаш (*меҳнат фаолияти ва кундалик ҳаётини синчиклаб ўрганиш, психолог суҳбати ва полиграфологик текширув ташкил этиш*)
- ▶ судьяларни танлов бўйича саралаш ҳамда хизматда кўтарилиш тизимини жорий этиш
- ▶ суд тизимида коррупцияга қарши курашувчи махсус ваколатли органлар фаолиятини ташкил этиш
- ▶ судлар фаолиятининг очиқлигини ва уларнинг ҳисобдорлигини таъминлаш
- ▶ судлар фаолияти ва одил судловни амалга оширишни тўлиқ рақамлаштириш
- ▶ судьялар фаолияти самарадорлиги мезонларини ва унинг сифатини баҳолаш тизимини жорий этиш
- ▶ манфаатлар тўқнашувини ҳал қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш
- ▶ меҳнат ва ижро интизомига қатъий риоя қилишни назорат қилиш
- ▶ фуқароларнинг коррупцияга қарши курашиш маданиятини ва жамоатчилик назорати самарадорлигини ошириш
- ▶ судьяларнинг моддий ва ижтимоий ҳимоясини кучайтириш
- ▶ судлар фаолиятини зарур кадрлар, муносиб иш жойи, транспорт ва моддий-техник жиҳатдан таъминлаш.

Суд тизимида коррупцияга қарши курашишга оид халқаро ҳужжатлар тизими

- БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси (Нью Йорк, 31.10.2003);
- Давлат мансабдор шахсларининг Халқаро ҳуқ-атвор кодекси (БМТ Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 1996 йил 12 декабрда қабул қилинган);
- Судьялар ҳуқ-атворида оид Бангалор тамойиллари 2006/23;
- Европа Кенгашининг коррупция учун жиноий жавобгарлик тўғрисидаги Конвенцияси (Страсбург, 27.01.1999);
- Европа Кенгашининг коррупция учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик тўғрисидаги Конвенцияси (Страсбург, 9.09.1999);
- Европа судьялари Маслахат кенгашининг «Судьялар ўртасида коррупцияни олдини олиш тўғрисида»ги Хулосаси № 21(2018) ССЈЕ (2018)3 (Загреб, 9.11.2018)
- Суд бошқаруви, судьялар танлови ва ҳисобдорлиги ЕХҲТнинг Шарқий Европа, Жанубий Кавказ ва Марказий Осий давлатларида Суд ҳокимияти мустақиллигига доир Киев конференцияси тавсиялари (Киев, 23-25.06. 2010)

БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси

2003 йил 31 октябрда қабул қилинган БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси коррупцияга қарши кураш борасидаги энг асосий халқаро ҳужжат ҳисобланади.



Ўзбекистон Республикаси мазкур халқаро ҳужжатга 2008 йил 7 июлда “БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясига Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида”ги ЎРҚ-157-сонли Қонун асосида қўшилган.

Қонун 2-банди:

Ўзбекистон Республикаси шуни баён қиладики, **15—19, 21, 22-моддаларда, 23-модданинг 1-бандида, 24, 25, 27-моддаларда** назарда тутилган қилмишлар миллий қонунчиликка мувофиқ жиноий жазоланадиган қилмишлардир ва уларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг юрисдикцияси татбиқ этилади

БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси муқаддима ҳамда 8 та боб, 71 та моддадан иборат бўлиб, 1-бобда (1-4) умумий қоидалар, 2-бобда (5-14) коррупциянинг олдини олиш чоралари, 3-бобда (15-42) жиноятчилик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти, 4-бобда (43-50) халқаро ҳамкорлик, 5-бобда (51-59) активларни қайтариш бўйича чоралар, 6-бобда (60-62) техник ёрдам ва маълумот алмашинуви, 7-бобда (63-64) амалга ошириш механизмлари, 8-бобда (65-71) якуний қоидалар акс этган.

БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси

11-модда. Суд ва прокуратура идораларига доир чоралар



Ҳар бир иштирокчи давлат суд ҳокимиятининг мустақиллигини ва коррупцияга қарши курашдаги ҳал қилувчи ролини эътиборга олиб, ўзининг ҳуқуқ тизимининг асосий принципларига мувофиқ ва суд органлари мустақиллигига зарар етказмаган ҳолда судьялар ва суд ходимларининг ҳалоллиги ва поклигини мустаҳкамлаш ҳамда улар ўртасида коррупцияни келиб чиқишига йўл қўймаслик бўйича чоралар кўради. Бундай чоралар судьялар ва суд идоралари ходимларининг ҳатти-ҳаракатларига тааллуқли қоидаларни ўз ичига олиши керак.

Суд тизимида коррупцияга қарши курашиш қуйидаги комплекс чора-тадбирлардан иборат:

1) коррупциянинг олдини олиш

2) коррупцияни аниқлаш ва унга чек қўйиш

3) коррупцияни келтириб чиқарувчи шарт-шароитларни бартараф этиш

4) коррупциявий ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш

5) жамиятда коррупцияга мурасизлик муҳитини яратиш

6) идоралараро ва халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш

**Европа судьялари Маслахат кенгашининг «Судьялар ўртасида
коррупцияни олдини олиш тўғрисида»ги Хулосаси № 21(2018)
CCJE (2018)3 (Загреб, 9.11.2018)**



- **Порахўрлик**
- **Суиистеъмолликлар**
- **Мавқеидан фойдаланиш**
- **Манфаатлар тўқнашувига йўл қўиш**
- **Жиноий мақсадларда тил бириктириш**
- **Суд материалларини ғаразли
мақсадларда ошкор қилиш**
- **Ажратилган маблағларни ўзлаштириш**

**Суд бошқаруви, судьялар танлови ва ҳисобдорлиги
ЕХҲТнинг Шарқий Европа, Жанубий Кавказ ва Марказий Осиё
давлатларида Суд ҳокимияти мустақиллигига доир Киев конференцияси
тавсиялари (2010 йил.23-25.06.)**



- Суд бошқарувида коррупциявий ҳолатларни бартараф этиш
- Судьялар танловида коррупцияни олдини олиш
- Судьялар ҳисобдорлигини таъминлаш
- Суд раислари ваколатларини мақбуллаштириш
- Суд мустақиллиги ва дахлсизлигини таъминлаш
- Судлар устидан асоссиз назоратни чеклаш
- Судьяларга таъсир этувчи омилларни камайтириш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизimini такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6013-сонли Фармони асосида махсус ваколатли органлар ташкил этилди

Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш, давлат органлари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа нодавлат сектор вакиллариининг биргаликдаги самарали фаолиятини таъминлаш, шунингдек, мазкур соҳадаги халқаро ҳамкорлик учун масъул бўлган махсус ваколатли давлат органи -

**Ўзбекистон Республикаси
Коррупцияга қарши курашиш
агентлиги ташкил этилди**



Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси ва унинг ҳудудий идоралараро комиссиялари ўрнига **Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш Миллий кенгаши** ташкил этилди.



Миллий кенгаш таркиби **Сенат раиси** бошчилигидаги **44 нафар аъзодан** иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 декабрдаги “**Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида**”ги ПФ-6127-сон Фармони қабул қилинди. Фармонга мувофиқ суд тизимида коррупциянинг олдини олиш бўйича давлат сиёсатининг **4 та асосий йўналишлари** этиб қуйидагилар белгиланди:

- судьяларнинг одил судловни амалга ошириш бўйича касбий фаолиятини ҳар қандай кўринишдаги ташқи таъсирлардан самарали муҳофаза қилишни таъминлайдиган ҳуқуқий механизмларни яратиш

- судьяликка кадрларни танлаш, тайёрлаш, лавозимга тайинлаш, шунингдек, судьялар фаолиятини баҳолашда холислик ва шаффофликни таъминлаш, ушбу жараёнларга замонавий ахборот технологияларини изчил жорий қилиш

- судьялар ва суд аппарати ходимлари орасида коррупция ҳолатларининг олдини олиш ва барвақт аниқлашга қаратилган тизимни йўлга қўйиш ҳамда суд тизимида аниқланган ҳар қандай коррупциявий ҳаракатни муросасиз ҳолат деб баҳолаш;

- судьяларнинг касбий малакаси, маънавияти ва масъулиятини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш орқали юксак профессионал судьялар корпусини шакллантириш

Фармонга мувофиқ 2021 йилдан бошлаб

- ▶ илк бор судьялик лавозимларига номзодларни танлаш бўйича имтиҳон жараёнларини Интернет тармоғи (веб-сайт) орқали онлайн тарзда ёритиб бориш йўлга қўйилди;
- ▶ судьялик лавозимига номзодлар ва судьяларнинг психологик портрети бўйича касбга муносиблигини баҳолашга кўмаклашувчи электрон дастур ишлаб чиқилди;
- ▶ судья фаолиятининг самарадорлигини электрон рейтинг орқали очиқ ва шаффоф баҳолашни таъминлайдиган аниқ мезонлар ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилди;
- ▶ судьяларнинг дахлсизлигини бузганлик ва одил судлов фаолиятига аралашганлик юзасидан Кенгаш раиси томонидан киритилган тақдимнома прокуратура органлари томонидан бир ой муддатда кўриб чиқилиб, жиноят иши қўзғатилганлиги ёки қўзғатиш рад этилганлиги ҳақида Кенгашга Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан хабар берилади;
- ▶ судьяларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга гувоҳ ёки гумон қилинувчи сифатида сўроқ қилиш учун чақиришга тегишли малака ҳайъатлари розилиги билан йўл қўйилади;
- ▶ суд ҳокимияти мустақиллигини ва судьялар дахлсизлигини таъминлаш, одил судловни амалга оширишга тўсқинлик қилаётган омиллар ва тизимда коррупцияга қарши курашиш ҳолати юзасидан Кенгаш раиси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентига йил якуни бўйича ахборот тақдим этиб борилади.

“Коррупцияга қарши мурасасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони (ПФ 6257-сон 06.07.2021йил) ва тегишли Қарори (ПҚ-5177 –сон 06.07.2021йил) қабул қилинди

1 Барча давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти йўлга қўйилиши (25.01.2023й. ПФ-14-сон Президент Фармони);

2 “Коррупцияга оид жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган шахсларнинг очик электрон реестри” юритилиши;

3 “Коррупциявий хавфларни баҳолаш электрон тизими” ишга туширилиши (11.05.2022й. ПҚ-240-сон Қарор);

4 Давлат хизматчилари, ташкилотлари, корхоналари раҳбарлари ва ўринбосарлари, уларнинг турмуш ўртоғи ва вояга етмаган фарзандларининг даромадлари ва мол-мулкни мажбурий декларация қилиш тизими жорий этилиши;

5 Давлат хизматчиларига республика ҳудудидан ташқарида ҳисобрақамлар очиш ва эгалик қилиш, нақд пул маблағларини сақлаш, кўчмас ва бошқа мол-мулкка эга бўлиш тақиқланиши;

6 Жиноят кодексида даромадлар ва мол-мулкни декларациялаш жараёнида аниқланган ноқонуний бойлик орттирганлик учун жавобгарлик ўрнатилиши;

7 Давлат органлари ва ташкилолатларида ишга қабул қилиш очик танлов асосида амалга оширилиши ва Интернет орқали трансляция қилиниши;

8 Хар йил якуни бўйича барча давлат органлари ва ташкилотларидаги коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини баҳоловчи рейтинг эълон қилинади (12.01.2022й. ПҚ-81-сон Қарор)

Давлат хизматчиларининг Одоб-ахлоқ кодекси қабул қилиниши белгиланди.

Коррупцияга қарши мурасимсиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омиллари кескин камайитириш чоралари



“Судьялар томонидан совғалар қабул қилинганлиги ҳақида хабар бериш, топшириш, баҳолаш ва ҳисобга олиш тартиби тўғрисида”ги Низом

(Судьялар олий кенгашининг 2021 йил 4 августдаги 1601-сонли Қарори билан тасдиқланган)

- ▶ **3.** Судья томонидан хизмат сафари ва бошқа расмий тадбирлардан ташқари унга бўйсунувчи шахслар, суд назорати амалга ошириладиган органлар ва ташкилотлар, судлов ишларини юритиш иштирокчилари ёки мурожаатлари кўриб чиқиладиган жисмоний ва юридик шахслардан манфаатлар тўқнашуви вужудга келишига шарт-шароит яратишини олдини олиш ва судья томонидан қабул қилинаётган суд ҳужжатларининг ҳолислигига шубҳа туғдирмаслик мақсадида совғалар қабул қилиниши тақиқланади.
- ▶ **4.** Ушбу Низом қоидалари судьяларга берилган қуйидаги совғаларга нисбатан татбиқ этилмайди:
 - тадбир иштирокчисининг ҳар бирига бериладиган канцелярия анжомлари ва рағбатлантириш (мукофотлаш) мақсадида топширилган, кичик эсдалик совғалари;
 - тез яроқсиз ҳолга келадиган буюмлар, маҳсулотлар (масалан, гуллар, озиқ-овқат ва бошқалар);
 - ташкилотларнинг реклама тўпламлари (календарлар, буклетлар, блокнотлар, ёзув қуроллари).
- ▶ **5.** Агар судья оила аъзоларига одил судловни амалга ошириш фаолияти билан боғлиқ ҳолда совға тақдим этилганлиги ҳақида хабар топса, бу ҳақда дарҳол тегишли малака ҳайъатига ёки Судьялар олий кенгашига хабар бериши лозим.
- ▶ **7.** Совға хизмат сафари ёки бошқа расмий тадбирлар давомида қабул қилинган бўлса, уни олган шахс хизмат сафаридан қайтган кундан бошлаб беш кунлик муддатда бу ҳақда хабар бериши лозим.
- ▶ **14.** Агар совғанинг қиймати ҳужжатлар билан тасдиқланса ва унинг қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан ошса ёки унинг қиймати уни қабул қилган шахсга номаълум бўлса у суддаги моддий жавобгар шахсга 5 иш кунида топширилади.

**Суд ишларини ҳал қилишга аралашганлик ҳолатларини аниқлаш,
бу ҳақда хабар берган судьяларнинг дахлсизлигини таъминлаш тартиби**

(Судьялар олий кенгашининг 2017 йил 7 августдаги 239-сонли қарори)

- ▶ 3. Суд ишларини ҳал қилишга аралашиш деганда фуқаро ёки мансабдор шахс томонидан муайян ишни ҳар томонлама, тўла ва холисона кўришга тўсқинлик қилиш ёки ғайриқонуний суд қарори чиқарилишига эришиш мақсадида қонунга хилоф тарзда судьяга қандай бўлмасин бирон-бир тарзда таъсир этиш тушунилади.
- ▶ 7. Судья фуқаро ёки мансабдор шахс томонидан ушбу Тартибнинг 3-бандида кўрсатиб ўтилган ҳаракатларнинг биронтаси содир этилганлиги ҳақида ўзига маълум бўлган заҳоти, бу ҳақда зудлик билан тегишли прокурорга, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашига (кейинги ўринларда – Кенгаш) ва тегишли судьялар малака ҳайъатларига хабар бериши шарт.
- ▶ 9. Кенгаш ва тегишли судьялар малака ҳайъатлари суд ишларини ҳал қилишга аралашиш ҳоллари ҳақида олинган хабарларнинг сир сақланишини таъминлашга мажбурдирлар.
- ▶ 14. Таҳдиднинг мавжудлигини тасдиқловчи етарли далиллар бўлганда, суд ишларини ҳал қилишга аралашганлик ҳолатлари ҳақидаги хабар берган судья (шу жумладан халқ маслаҳатчиси), унинг оила аъзолари ва яқин қариндошларининг хавфсизлигини таъминлаш, шу жумладан “Судлар тўғрисида”ги Қонунида назарда тутилган чораларни қўллаш қонунга мувофиқ кафолатланади.
- ▶ 15. Суд ишларини ҳал қилишга аралашганлик ҳолатлари ҳақида хабар берганлиги муносабати билан судьяни танқид қилиш, унинг иш фаолиятига тўсқинлик қилиш, уни таъқиб этиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.